


2017 ЙИЛ — ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ



Ушбу сонда: >>>

АППА АЙТОПМАЙДИГАН ОНАПАР

Бирдан кўл телефонида алла борлиги эсига тушди шекилли, уни қўйишга шайланди. Ҳозир Муҳаббат Ғофурованинг алласи янгрармикан десам, «Баю-баю» экан. «Ана холос, бу миллатнинг онаси фарзандига наҳот ўз она тилида алла айтиб беролмаса?», — дея ўйлаиб қолдим.

5-бетда

“ҚАНИ, ТОЙ БОПА, АМАКИНГИ БИР СЎКИБ ҚЎЙ-ЧИ...”

... Бир кўшним доим болаларга бирор иш топирса, аввал сўкиб олар, кейин мақсадини тушунтирарди. Унинг сўкишидан мен ўнғайсизланардим. “Қўшни, ахир, сўкмай ҳам тушунтирса бўлади-ку”, десам “Эркак одам сўкади-да, бўлмасам эркакми у”, дея менинг оғзимга урмоқчи бўлар эди.

6-бетда

БУХОРОНИ КЎРМАГАН ОНАМ

Шу хаёлларга берилиб яна дафтар варақлайман.

Кунлар, ойлар, йиллар ўтади, Афсус надоматда қолади юрак. Умр ўткинчидир, севинч ўткинчи, Болаларим менга қувонч беражак.

Далада изғирин увеос солади, Уйда ўтираман ногирон, беҳол. Юрак ҳам меҳрга ташна қолади. Фақат ҳамроҳимдир ширин ўй-хаёл...

Онамнинг дафтарида бундай шеърлари кўп экан. Уларнинг баъзиларида тушкунликни ҳис этсам, баъзиларида келажак орзулари, яқинлирига тилаклари акс этган. Айниқса, ҳар бир фарзандига атаб ёзганлари мени жуда таъсирлантирди.

7-бетда

Виртуал қабулхонага келиб тушган 122,0 минг мурожаат pm.gov.uz манзили орқали фуқаролар томонидан шахсан жўнатилган. 88,7 минг мурожаат кўнғироқларга хизмат кўрсатиш маркази ҳамда 9,7 мингтаси ЎзЛиДеПнинг худудий кенгашлари орқали юборилган.

Худудлар кесимида энг кўп мурожаатлар Тошкент шаҳри (27,0 мингта), Тошкент (10,0 мингта), Фарғона (5,8 мингта), Қашқадарё (5,3 мингта) ва Андижон вилоятлари (4,2 мингта) фуқароларидан келиб тушган.

Соҳа ҳамда масалалар кесимида кўриш мумкинки, фуқаролар энг кўп уй-жой (12%), бандлик (4,3%), таълим (2,6%), суд-ҳуқуқ (2,1%),

газ таъминоти (2,0%) ҳамда оилага моддий ёрдам кўрсатиш (1,9%) масалаларида мурожаат қилганлар.

Мурожаатларни гендер тақсимоти бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, мурожаат йўллашда аёллар эркакларга нисбатан 6 фоизга фаолроқ. Виртуал қабулхонага аёллар томонидан юборилаётган мурожаатлар миқдори 55 фоизни ташкил этмоқда. Яна бир қизиқ жиҳати, Тошкент шаҳри аҳолисидан келиб тушган 68 минг мурожаатнинг 40 мингдан зиёди аёллар томонидан йўлланган. Айтиш мумкинки, АКТдан кундалик фойдаланиш аёлларга жамиятда фаол ижтимоий ўрин эгаллашларига ёрдам бермоқда.

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

Оилангизга тинчлик, хотиржамлик, жамиятимизга юксак тараққиёт, осойишталик, файзу барака тилаб, “Оила ва жамият” газетасига обуна давом этаётганини маълум қиламиз. 25 йил давомида сизнинг дилдошингиз бўлган газетамиз билан 2017 йилда ҳам бирга бўласиз, деган умиддамиз.

Обуна индекси – 176

ОДАМЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ УЛАРНИНГ ДАВЛАТГА ИШОНЧИНИ МУСТАҲҚАМЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси жойларда катта қизиқиш билан ўрнатилмоқда

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифи билан кириб келаётган янги – 2017 йил мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган ўзбек давлатчилик мактабига мансуб адолатпарварлик, ҳақиқатни таъминлаш борасидаги эзгу ишлар бугун катта ғайрат-шижоат билан изчил давом эттирилаётганининг яна бир ҳаётий исботи

бўлди. Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг зарови» маърузасида бу борада амалга оширилаётган ишлар, концептуал ёндашувлар, амалий фикр-мулоҳазалар қатъий хулоса ва таклифлар асосида айтилгани халқимизнинг эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди.

ЎЗА МУХБИРИ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИНГ БУ БОРАДАГИ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ БИЛАН ҚИЗИҚДИ.



Таваккал Топоволдиев, «Нуроний» жамғармаси Андижон вилояти бўлими кенгаши раиси, Ўзбекистон Каҳрамони:

– Соҳибқирон Амир Темур авлодларига шундай васият қилган: «...Шундан таскин топанмиким, подшоҳлик давримда кучлиларнинг ожизларга озор беришларига йўл қўймадим». Биринчи Президентимиз Ислам Каримов ҳам бутун фаолияти давомида эркин, адолатли ва фаровон ҳаёт қуриш, жамиятимизда қонун устуворлигини, тартиб-интизомни, адолат ва ҳақиқатни қарор топтириш йўлида курашди.

Кириб келаётган йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилиниши ана шу тарихий аънаналар муносиб давом эттирилаётгани, эл-юртимиз ҳаётида янги тараққиёт босқичи бошланаётганининг амалий исботидир.

Шавкат Мирзиёев Конституциямиз байрамидидаги маърузасида аҳолимизнинг ярмидан кўпи яшайдиган қишлоқ жойларда ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратди. Бир мисол: «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлаш, туман ва шаҳарлардаги сув тармоқларини модернизация қилишга 100 миллион доллар маблаг жалб этилди. Бу билан қанчадан қанча оилалар уйига оби ҳаёт кириб келди. 2017 йилдан қишлоқларимизда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон ва қулай уй-жойлар қуришга киришилди. Бу билан минглаб оилалар уйли-жойли бўлади, шу уйлар боис янги массивлар қад ростлади, аҳоли ҳаётида янги, янада юксак бир босқич бошланади.

Маърузада «Нуроний» жамғармасининг ўрни ва ролини янада кучайтиришга эътибор қаратилиши ҳам таъкидланди. Йигирма йилдан буён мазкур тизим жамоатчилик асосида ишлаб келарди. Шавкат Мирзиёев ўз сайловолди дастурида «Нуроний» тизимидидаги ходимларни ҳам бюджет ҳисобидан ойлик маош би-

ла таъминлашни йўлга қўйиш, маҳалла раисининг нуронийлар масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимини жорий этиш, санаторияга бора олмайдиган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига йўлланманинг пулини бериш, ёлғиз қарияларни ҳар йили қишки кийим-бош ва озиқ-овқат захираси билан таъминлаш борасида қатор ҳаётий таклифларни илгари сургани барчамизни қувонтириб юборганди. Мана энди бу ғоя-вазифалар ҳаётимизга қўчаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Буларнинг барчаси нуронийларимизнинг ҳаётдан рози ва хурсанд бўлиб яшашига хизмат қилади ва бу халқимизга хос улғу қадриятлар бардавонлигига – кекса авлод олдидаги бурч ва қарзни ўташнинг умуммиллий ҳаракатга айланаётганидан далolat.



Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

– Мулоқотсиз, фикр алмашувларсиз тараққиёт бўлмайди. Халқ билан мулоқот – бу икки томонлама фикрлашув, муаммоларга ечим топиш, аҳолининг давлат бошқарувидаги ролини ошириш демак. Сайланган Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу борада халқимиз билан мулоқот йўлини айтди: «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни аввало барча бўғиндаги раҳбарлар ахши тушуни олиши зарур». Асли демократия деганлари шу: халқ ҳуқуқ-манфаатларининг асосий ролга чиқиши – кучли давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришнинг мустаҳкам омилли.

Сайланган Президентимиз ёш авлод тарбияси ҳақида гапириб, Абдурауф Фитратнинг «Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юкени торттиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ», деган фикрларини барчамизга бежиз эслатмади. Бу оилавий китобхонлик

даражасини ошириш билан чамбарчас боғлиқ. Чунки оилавий китобхонлик нафақат оилаларда, балки бутун жамиятда ўзаро бир-бирини тинглаш-англаш қобилиятини юксалтиради, ўзаро мулоқот ва фикрлашув маданиятини янада оширади.

Маърузада ёшларни турли ёвуз хавф-хатарлардан асраш борасида ҳам ниҳоятда оғриқли бир масала кун тартибига қўйилди. «Болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим», дейилди. Ёшлар билан кўпроқ гаплашиш, уларнинг қалбига қулоқ солиш, дардини билиш, муаммоларини ечиш учун амалий кўмак беришда ижодкорларимиз ҳам камарбаста бўлишини истардим. Чунки табиатда ҳам, жамиятда ҳам бўшлиқ бўлмайди, ёшлар қалби учун курашиш – келажак учун курашиш демакдир.

Шаҳринисо Каримова, Жиззах вилояти Галлаорол туманидаги «Булоқбоши» қишлоқ фуқаролар йигинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳибаси:

– Сайланган Президентимизнинг маърузасида «2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизими жорий этилади», деган сўзлари айни халқимиз кўнглидаги гап бўлди. Чунки ҳар қандай раҳбар, қайси тизимда ва қайси лавозимда ишласин, аввало, аҳоли олдида ҳисобдор ва жавобгардир. Уларнинг фаолиятига элнинг ўзи баҳо берса, халқ қўлласа, жамиятимизда ечилмаган муаммолар деярли қолмайди. Ҳар бир туман ва шаҳарда ташкил этиладиган «Халқ қабулхоналари» бунда муҳим омил бўлади. Одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиб, оғирини енгил қилишнинг аниқ бир тизими йўлга қўйилаётгани аҳолининг давлат ва жамиятга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу барчамизни уйғоқ ва бедор виждон билан яшашга, ишлашга ундайди.

Умид ЁҚУБОВ

ХАЛҚ ВА ВАТАН МАНФААТИ ЙЎЛИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЯНГИ СИФАТ БОСҚИЧИГА ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бош қомусимиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини барча юртдошларимиз каби мен ҳам катта қизиқиш ва ҳаяжон билан тингладим. Халқ ва Ватан манфаати йўлидаги ислохотларнинг янги сифат босқичига чиқишдан далolat берадиган ўзгаришлар борасидаги фикрлардан жуда таъсирландим.

Биринчи Президентимизнинг ёнида узок йиллар ёнма-ён туриб давлатни бошқаришда кўмаклашган, халқнинг муаммо ва ютуқларини кўнглидан ўтказган, ҳис қилган инсонгина ана шундай устувор вазифаларни белгилаб бера олади. Ён-атрофга теранроқ разм солиб, мушоҳада юритишга чорлайди. Битта оилани бошқаришнинг ўзига яраша қанча машаққатлари бор, давлатни бошқариш осон эмаслиги ҳаммага кундек равшан.

Ун йилдан буён қишлоқ ҳўжалиги соҳасида фаолият юритаётган бўлсам, шу даврда ўтказилган ҳар бир селекторда Бош вазир фикрларини тинглаб, маслаҳатларига қулоқ солиб, мўл ҳосил этиштирдик. Фермерлар бировдан кам бўлгани йўқ. Қишлоқ ҳўжалиги



соҳасида эришилган ютуқларимизни бутун дунё эътироф этмоқда. Бунга жорий йилда ўтказилган мева-сабзавот маҳсулотларининг халқаро савдо-ярмаркаси ёрқин далил бўла олади.

Кириб келаётган 2017 йилга мамлакатимизда Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб ном берилиши ўз мазмун моҳияти билан барчага бирдек маъқул бўлди. Сувчи, тракторчи, фермер, маҳалла оқсоқоли, ким бўлишдан қатъи назар, турли соҳада фаолият юритаётган юртдошларимиз мамлакатимизда инсон манфаати ҳар нарсадан улғу эканига яна бир қарра ишонч ҳосил қилганини қайд этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ҳар бир туман

ва шаҳарда «Халқ қабулхоналари»ни ташкил этиш ва улар тўлақонли фаолият кўрсатишини таъминлаш зарурлигини таъкидлагани кўп қатори менга ҳам манзур бўлди. Ахир, ҳокимлар, тегишли мутасаддилар аҳолининг муножаатларини тингласа, уни ечимини топишга ҳаракат қилса, бу мамлакатимизнинг янада обод бўлишига, халқимизнинг фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Яна бир жиҳати, бундай қабулхоналар сиёсий партиялар фуқаролар мақсад ва манфаатларини рўёбга қўқаришдан куч сифатида одамлар ҳаётидаги муаммолардан доимо хабардор бўлишини таъминлайди ҳамда аҳолини кенг қатлами билан янада яқинлаштиради.

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастурида ёшларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш муҳим ўрин тутуши зарурлиги қайд этилди. Ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқаётгани барчамизга чексиз мамнуният бағишлайди.

Дунёда гоят тахликали вазият жум сураётгани, бугунги осуда ва фаровон ҳаётимизга хавф солувчи хатарлар мавжудлиги фарзандларимиз тарбиясига жиддий ёндашиб, уларни экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, «оммавий маданият»дан, ғаразли кучлар таъсиридан асрашни ҳар қачонгидан ҳам кучайтиришни тақозо этади. Шу боис таълим ва тарбия тизимининг барча бўғини фаолиятини замон талаблари асосида ривожлантириш, янги ўқув муассасаларини, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш биринчи даражадаги устувор вазифалардан бири сифатида кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда, болаларимизни бировларнинг қўлига бериб қўймасдан, уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим. Зеро, фарзандларимиз ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб, ҳаётда ўз ўрнини топтоғи шарт.

Улғубек Жўраев, Наманган вилояти фермерлар кенгаши раиси.

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ИНСОН МАНФААТИ

Ҳар нарсадан улуг

Яқунланаётган 2016 йилда улкан ютуқларни қўлга кириштириш баробарида оғир мусибатни ҳам бошимиздан ўтказдик. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти, мустақиллигимиз асосчиси Ислон Каримов вафоти халқимизни чуқур қайғуга солди. Аммо ўзбек халқи эсанкираб қолмади. Йўлини йўқотмади. Аксинча, умуммиллий мақсад — улуг йўлбошчимизнинг келажаги буюқ давлат барпо қилиш йўлидаги орзу ва интижишлари атрофида янада мустаҳкам жипслашди. Жудодик кунларида халқимиз буюқ эканини яна бир бор дунёга намоён этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-, 117-моддалари, «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига мувофиқ мамлакатимизда муддатидан олдин Президент сайлови ўтказилди. Сайлов миллий сайлов қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилган демократик принципларга мувофиқ ҳолда, очиқ-ошкора ва адолатли, халқаро талаблар даражасида ўтди.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов ҳар бир йилга муайян ном бериш аънанасига асос солган эди. Йилларга ном берилар экан, Давлат дастурлари асосида йиллар номига монанд бўлган улкан масалаларни ҳал қилишга катта эътибор қаратиб келинди. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2017 йилга «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб ном беришни таклиф этди. Бу Биринчи Президентимиз бошлаб берган инсон, унинг ҳаёти, озодлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиши каби гоёнинг мантиқий давоми бўлди.

«Ўзбек тилининг изохли лугати»да «МУЛОҚОТ — учрашиш, кўришиш; қабул қилиш», дея изохланади. Она тилимизда «мулоқот» сўзининг бошқа қатор синонимлари ҳам мавжуд: «суҳбатлашиш», «гаплашиш», «диллашиш», «гурунлашиш» каби. Ушбу сўзнинг замирида инсон қалбига яқинлашиш, унинг орзу-истакларини, дарду ҳасратини тинглаш, муаммоларини ҳал қилишда унга кўмаклашиш мазмуни муккасман. Сайланган Президентимиз томонидан халқимизга таклиф этилаётган бу мулоқотда барча ватандошларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишга, бир сўз билан айтганда, жамиятда адолат муҳити қарор топишига янада кўпроқ аҳамият қаратилиши кўзда тутилмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов деярли ҳар бир чиқишида раҳбар масъулияти, раҳбарнинг маънавий қиёфаси ҳақида сўз юритар, оёғи ердан узилган раҳбарнинг халқдан узоклашиши нечоғли ёмон оқибатларга олиб келишини бот-бот тақорлар эди. «Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидамайди», деган эди Биринчи Президентимиз.

Жамиятда адолат муҳитини

қарор топтириш учун турли бўғиндаги раҳбарлар, аввало, халқ билан мулоқот қилиши, одамларнинг қалбига йўл топиши, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини билиши лозим.

«Биз кейинги пайтда одамлар билан мулоқот қилишни унутиб қўйдик. Уларнинг ичига кириб, очиқ ва самимий гаплашиш, дардини эшитиш бизнинг фаолиятимизда, афсуски, охириги ўринга тушиб қолди», деди Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида.

Жорий йил 25 сентябрда ташкил қилинган Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси жамоатчилик эътиборини тортган энг катта янгилардан бири бўлди.

чилиқ эътиборини қозонди. Давлат идорасида битмаган кўллаб шикоятларнинг ҳал этилиши, мамлакат миқёсида минг-минглаб фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларининг таъминланаётгани улкан ижтимоий ўзгаришларни бошлаб берди. Биринчи навбатда, халқнинг давлатга бўлган ишончи ортди. Виртуал қабулхона муайян масаланинг ўз вақтида ечим топиши жойлардаги мансабдор шахсларнинг масъулиятига, хоҳиш-иродасига боғлиқ эканини исботлаб берди.

Ўтган даврда Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига фуқаролардан 218 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган. Мурожаатларнинг қарийб 59 фоизи ечимини топган бўлса, 41 фоизи кўриб чиқилмоқда. Ватандошларимиз ўз мурожаатларида турли соҳалардаги бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш,

пайтга қадар бундай мурожаатлар бўлгани шубҳасиз. Бироқ, давлат органи муносабатидан қониқмаган, куйида ўз саволини жавоб топа олмаган, баъзи мансабдорларнинг сансалорлигидан ҳафсаласи пир бўлган халқ муаммо билан ҳукумат раҳбарига мурожаат қилишни афзал кўрмоқда.

Фуқароларнинг тўғридан-тўғри ҳукуматга мурожаат қила олиш имконияти ўз навбатида маҳаллий давлат органлари мансабдор шахсларининг масалани ортиқча қозғаболмас, диққат қилиб ёндашган ҳолда куйида ҳал этилишини таъминламоқда. Бюрократик тўсиқларнинг қамайиши коррупциянинг олдини олаётир. Буни давлат ва фуқаро ўртасидаги ишончли муносабатларнинг янги даври, чин маънода инсон манфаатларини ҳимоя қилиш усули дейиш мумкин.



Бу ерда одамлар нафақат шахсий муаммоларини билдириш, балки турли таклифлари, фикр-мулоҳазалари билан давлат бошқарувида иштирок этиш имконига ҳам эга бўлмоқда.

—Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига бевосита мурожаат қилишлари мумкинлиги тўғрисидаги эълон юрtdошларимиз учун муҳим сиёсий-ижтимоий воқеа бўлди, — дейди Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги мутахассиси Шухрат Сатторов. — Виртуал қабулхона қисқа фурсат ичида оммалашиб кетди. Аста-секин фаол ижтимоий жараёнга киришган фуқаролар ортларида уларни ҳимоя қиливчи куч — ҳукуматнинг борлигини янада чуқур ҳис қилиб, мавжуд муаммо ва камчиликларни дадил кўтариб чиқа бошлади. Кимдир молиявий тушунмовчиликларга ечим топди, яна кимдир газ ва электрнинг сифатли таъминотига эга бўлди, кимдир юриб бўлмас кўчаларга асфальт ётқизишга эришди, қайсидир юрtdошимизнинг автосалондан пластик карточкага машина олгани бир зумда ОАВ ва жамоат-

қонунга зид бўлган кўллаб идоравий йўриқномаларни бекор қилиш, ставкаси оптимал бўлган банк кредитлари ажратиш, тадбиркорлик бўйича қонуний текширишларга барҳам бериш ҳақида, ҳуқуқ-тартибот идораларининг фаолияти тўғрисида мурожаат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев халқ билан мулоқот жиддий эътибор қаратиш хусусида тўхталиб: «Бизнинг асосий мақсадимиз — «Халқ қабулхоналари»га қилинган ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмайдиган тизим яратишдан иборат», дея таъкидлади ўз маърузасида. Демак, ҳар бир туман ва шаҳарда ташкил этилиши кутилаётган «Халқ қабулхоналари» фуқароларнинг мақсад ва манфаатларини рўйбга чиқарадиган куч сифатида амалиётга жорий этилади.

Тўғри, бунга қадар ҳам аҳоли mu.gov.uz орқали, қолаверса давлат идораларининг сайтлари, телевидение орқали тўхтовсиз эслатиб турилган «Ишонч телефонлари» орқали муайян масала юзасидан муайян идора раҳбарига мурожаат қилиш имконига эга эди. Шу

«Халқ давлат идоралари-га эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни аввало барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур», деди сайланган Президентимиз Шавкат Мирзиёев. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари тушунчалари ўзаро боғлиқ ва уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Шу нуктаи назардан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбарли келгусида Ўзбекистонда маҳаллий ҳокимлар бевосита халқ томонидан сайланиши мумкинлигини ҳам таъкидлади. Ҳар бир ҳудуд ўз раҳбарини ўзи сайласа, раҳбарларнинг халқ ва жамият олдидаги масъулияти янада ошади.

—Ҳар бир йил номланиши, мазмун-моҳиятига кўра халқимизни озод ва обод Ватанда тинч ва осуда яшашга, фаровон ҳаётга, соғлом турмушга етаклаши, бир сўз билан айтганда «Ҳамма нарса инсон учун, унинг манфаатлари учун», деган буюқ қаҳриққа ҳамоханлиги боис ҳар биримизга алоҳида кадрлидир, — дейди журналист Шерзод Абдусаматов.

—2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатла-

ри йили» деб эълон қилингани Биринчи Президентимиз Ислон Каримов бошлаб берган эзгу ва савобли ишларнинг мантиқий давоми бўлди дейиш мумкин. Ҳукуматимизнинг халқ дарди, муаммо-ю, ташвишлари билан қизиқибгина қолмай, уларни жойида ижобий ҳал этаётганини бугун барчамиз орақдан ҳис этиб, гувоҳ бўлиб турибмиз. Шундай экан, ҳар биримиз шу муқаддас заминга муносиб фарзанд бўлишимиз, унинг равнақи, фаровонлиги ва тинчлиги учун астойдил хизмат қилишимиз лозим. Зеро, тинч ва хотиржам юрtdа яшаш бугун ер юзидagi миллионлаб инсонларнинг орзусидир. Мана шундай осмонни осуда, кексаю ёш бирдай эъзоз топган юрtdа умр кечираётганимиз — бизнинг бахтимиз.

Инсон манфаатларини таъминлашда иқтисодиётнинг юксак суръатлар билан барқарор ривожланиши муҳим аҳамият касб этади.

Самарали меҳнат учун зарур шароитлар, муносиб иш ҳақи, замонавий уй-жойлар, сифатли таълим ва тиббий ёрдам, дам олиш ва хордик чиқариш учун кенг имкониятлар яратиш — буларнинг барчаси иқтисодий соҳадаги илоҳотлар моҳияти ва мазмунини белгилаб берадиган муҳим омиллардир.

Бу борада нафақат энг кам ойлик иш ҳақини, балки бюджет ташкилотларида ҳам, ҳўжалик юритувчи субъектларда ҳам ўртача иш ҳақи миқдорини, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар ҳажминини босқичма-босқич кўпайтириш лозимлигига тўхталиб Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёев.

Шунингдек, аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида янги 2017 йилдан бошлаб қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон ва қулай уй-жойлар қуриш дастури асосида уй-жойлар қурилиши ҳам назарда тутилган. Ўзбек халқининг энг эзгу орзу-мақсадлари, ҳаётий манфаатлари фарзандлари тимсолида намоён бўлади, рўйбга чиқади. Албатта, бу борада юрtdошимизда улкан ишлар қилинмоқда ва улар амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» да ёшларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

Бу борада фарзандларимиз учун зарур шароитлар яратиш, таълим-тарбия, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, ёш оилалар учун уй-жойлар қуриш, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш бўйича бошлаган ишлар янги, юксак босқичга кўтарилади.

Кириб келаётган янги йил давлатимиз сиёсатининг бош мақсадини, яъни, инсон манфаати ҳар нарсадан улуг, деган эзгу гоёни изчил давом эттириш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этиш йўлида яна бир улкан қадам бўлади, дея ишонамиз.

Умида АДIZОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири

Ўзбекистон металлургия комбинати акциядорлик жамияти жадаллик билан ривожланыпти, йилдан-йилга янги қувватларини ишга тушириб, тайёрлаётган маҳсулотлар турини ошириб бормоқда.

фоизга бажардилар. 2015 йилга нисбатан ўсиш суръати 103,7 фоизни ташкил этди. Муस्ताқиллик йилларида комбинатда жами 15 млн. тоннага яқин пўлат эритилди.

Мамлакатимиз муस्ताқиллигининг дастлабки йиллариданоқ комбинатимизда сифати жаҳон андозаларига мос, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилди. Бу мақсадга эришиш учун корхонани модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича кенг ҳажмли ишлар амалга оширилди. Жумладан, электрда пўлат эритиш ва навли прокат цехлари реконструкция қилинди. Пўлат



МЕҲНАТ СУРЪАТИ ОШМОҚДА

циялаш, замонавий юқори самарали технологиялар жорий этишга катта маблағ сарфланмоқда. Муस्ताқиллик йилларида комбинатда пўлат золдирлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилганидан сўнг мамлакатимизнинг олтин, рангли металллар ва цемент sanoatlари ушбу импорт ўрнини босувчи муҳим маҳсулот билан тўлиқ таъминланмоқда. Комбинатда жаҳон бозори талабларига мос келадиган рангли металллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу маҳсулотларга автомобилсозлик ва электротехника sanoatlарида талаб катта, улар хориж мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Юқори сифатли халқ истеъмоли моллари – сирланган пўлат идишлар, шisha идишлар, пайвандлаш электродларини барқарор ишлаб чиқариш орқали бекободлик металлургия истеъмоличиларни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаб, кўшимча иш ўринларини яратмоқда. Пўлат эритиш учун шлакларни қайта ишловчи ноёб чиқиндисиз технология жорий этилди. Комбинатда мамлакатимизда мутлақо янги бўлган, импорт ўрнини босувчи, базальт негизда иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.


Ўнлаб турдаги рақобатбардош прокат маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошлади. Жумладан, даврий ва силлиқ профилдаги темир-бетон конструкциялари учун иссиқ ҳолатда тайёрланган арматура, темир-бетон конструкциялари монтажи учун қўллашда тавсия этиладиган иссиқ ҳолатда тайёрланган айлана пўлат прокати, иссиқ ҳолатда тайёрланган тенг қиррали бурчакли пўлат прокати, иссиқ ҳолатда тайёрланган квадратли пўлат, иссиқ ҳолатда тайёрланган айлана пўлати, турли швеллерлар.

Прокат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳар йили белгиланган режа-топшириқлар мунтазам равишда бажарилиб келинмоқда. Жорий йилнинг 11 ойида бекободлик металлургия 610 минг тонна пўлат эритишиб, белгиланган режани 103,4

маҳсулотнинг сифати ва ҳажми ўсаяпти

золдирлар прокатлаш станлари фойдаланишга топширилди, янги авлодга мансуб қудратли "ДСП-100 УМЗ" пўлат эритиш печи, «Печь-ковш» қурилмаси, рангли металллар, пўлат силлар, иссиқликка чидамли материаллар ишлаб чиқариш цехлари, шлакли чиқиндиларни қайта ишлаш фабрикаси, кислород-компрессор цехида "KDONAr-10 000" блоки ва бошқалар бунёд этилди.

Печь трансформатори алмаштиралиши асосида 4-сонли "ДСП-100



йилига 750 минг тонна пўлат ишлаб чиқариш қувватига эга "ДСП-100 УМК" пўлат эритиш печи ва «Печь-ковш» қурилмаси фойдаланишга топширилиши Ўзбекистонда пўлат эритишда янги босқич бўлди. Истиқлолийларида "Ўзметкомбинат" да 14,5 млн. тоннага яқин прокат маҳсулотлари, шу жумладан, 2,8 млн. тонна пўлат золдирлар ишлаб чиқарилди. 2016 йилнинг 11 ойида корхонада 675 минг тонна навли прокат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, белгиланган режа 100,8 фоизга бажарилди. Ўтган йилнинг шу даврига қараганда 101,1 фоиз ўсиш суръатига эришилди.

Муस्ताқиллик йилларида комбинатда эришилган энг катта ютуқлардан бири пўлат золдирлар ишлаб чиқаришнинг ўзлаштирилганлиги бўлди. Эндиликда бекободлик металлургия 40, 68, 80, 100 ва 120 диаметрдаги пўлат золдирлар ишлаб чиқармоқдалар. Улар Олмалик ва Навойи кон-металлургия комбинатларида рудани майдалашда, шунингдек, цемент sanoatida ишлатилади. Металлургия комбинатида пўлат золдирлар ишлаб чиқарилиши бундай маҳсулотларнинг четдан келтирилишини тўхтатишга ва республикага йилига 100 млн. АҚШ долларидан кўпроқ маблағ тежашга имкон беради.

2016 йилда пўлат золдирларини ишлаб чиқариш ҳажми 185 минг тоннага режалаштирилган эди. Жорий йилнинг 11 ойида эса 171,8 минг тонна пўлат золдирлар ишлаб чиқарилиб, режа 100,2 фоизга адо этилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 103,2 фоизни ташкил этди.


Комбинатда халқ истеъмоли моллари тайёрлашга ҳар доим катта эътибор бериб келинган. 1974 йили корхонада сирланган пўлат идишлар ишлаб чиқариш цехи фойдаланишга топширилган эди. Бундай

маҳсулотга талаб катта бўлди, уларни ишлаб чиқариш ҳам кенгайиб борди. Ишлаб чиқариш барқарор ошириб борилмоқда, маҳсулот турлари тобора кенгайтирилмоқда. Ишлаб чиқариш тўлиқ ёпиқ технологик цикл негизда амалга оширилади. Цехда ҳозирги кунда 46 номдаги ва 230 дан зиёд турдаги сирланган идишлар тайёрланади. Жорий йилнинг 11 ойида комбинатда 57,4 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланиб, истеъмоличиларга етказиб берилди. Режа 103,3 фоизни, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 102,2 фоизни ташкил қилди. Комбинатда иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, диверсификациялаш ҳисобиغا харажатларни камайтириш, ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишга қаратилган чора тadbирлар амалга оширилмоқда. Дори-дармонлар учун қаттиқ қолип ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича олиб борилган ишлар ниҳоясига етказилмоқда. Ферросилиций ва ферросиликомарганец ишлаб чиқариш, Тебинбулоқ конини ишга тушириш ва келгусида чўян, пўлат симдан тўқилган йўғон арқон, машинасозлик sanoati учун муштажамловчи деталлар, шина sanoati учун металлорқон ишлаб чиқариш, 2-навли прокат цехида «300» станица сим тайёрлаш блоки ўрнатиш билан катанка ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда пўлат қўймалар ишлаб чиқаришини реконструкция қилиш бўйича ишлар давом этмоқда. Бу орқали импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ва унинг номенклатураси сезиларли даражада кўпаяди, валюта маблағлар тежалади, янги иш ўринлари яратилади.


Комбинат саъй-ҳаракатлари тўғрисида Бекобод шаҳри аҳолиси учун ижтимоий инфратузилма замонавий тизими яратилган ва у доимий равишда такомиллаштирилмоқда. Қўллаб-қўйиш, маданий-маиший ва соғлиқни сақлаш объектлари бунёд этиляпти. Бу корхона томонидан молиялаштирилиб, аҳоли фаровонлигини яхшилаш, уларнинг эҳтиёжларини қондиришга ёрдам бермоқда.

Исмадиёр МАМАТҚУЛОВ

«Ўзметкомбинат» АЖда прокат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кўпайиши



Пўлат золдирлар ишлаб чиқаришнинг ўсиши.



АЛЛА АЙТОЛМАЙДИГАН ОНАЛАР, ТИЛИ ЧУЛЧУТ БОЛАЛАР

ёхуд тилни асраш – миллий ўзликни асраш демак



Инсоннинг ўз она тилига муҳаббати юқумли экани биласизми? У аввало, она суги орқали юқади. Тунларни тонларга улаб айтилган сеҳрли куй – алла билан гўдак вужуди, шуурига синдирилади. Албатта, алла ўз она тилинда бўлса. Шундагина у жозибали, таъсирли ва меҳрли чиқади.

Сўзим аввалини бежизга бундай бошламасан. Сабаби, яқинда бир воқеа қитиқ патимга теғди. Оилам билан шу шаҳарда яшовчи дўстимизнинг уйига меҳмонга бордик. У ерда кўлида беш ойлик чақалоқ кўтарган тенгдош дугонам ҳам бор эди. Меҳмондорчилик давомиди у ҳар икки гапининг орасига русча сўз қўшиб гапирар, ўзини русчани жуда зўр биладигандек кўрсатарди. Сухбат энди авжига чиққанда кўлидаги чақалоқ ғингиб, йиғлаб бошлади. Уй эгаси унга: «Бошқа хонага чиқиб, болани ухлатинг, бу ер шовқин» деди. У билан мен ҳам кичкинамини ётқизгани нариги хонага чиқдим. Гўдак ҳадеганда тинчланавермади. Охири, ҳамроҳимга «Алла айтинг, тинчланади», дедим. Бир пайт у боласини тебратиб, алла айтишга тушди:

– Аллов-ва-а-а... Аллов-ва-а-а...

Бола баттар чинқирди.

– «Ах, ёлки-палки», ухла «давай!» – ухлашга даъват этди она.

– Аллов-ва-а-а.

Шу тобда унга: «Алла айтишни билмасанг, қанақа онасан ўзи!» дегим келдию, хуноби ошиб турганда оловга ёғ сепмай, дедим. Тагин аламидан болага русчалаб бирон нима деб қўямасин. Бирдан қўл телефонида алла борлиги эсига тушди шекилли, уни қўйишга шайланди. Ҳозир Муҳаббат Ғофурованинг алласи янграримкан десам, «Баю-баю» экан. Ана холос, бу миллатнинг онаси фарзандига наҳот ўз она тилида алла айтиб беролмас? Ўзингиз уйлаб кўринг, бу ҳолатда болага она тилга муҳаббат қандай юқади?

Баъзан, боласини эмизаетиб ҳам бир кўлида телефон тутганча ҳар тилни аралаштириб сўзлашаётган оналарни учратамиз. Бунга нима дейсиз? Ваҳоланки, инсон тоза филтрада дунёга келади. Унинг қалби ҳам, онги ҳам оқ қозғодек тоза бўлади. Бу оқ қозғога даставвал, она ўз сўзини ёзади. Сўнг ота ва оиланинг бошқа аъзолари. Гўдак унинг ҳузурини килинган мулоқот, айрилган ҳар бир сўзни онг остига муҳрлаб боради. Ва шу тариқа унинг сўз бойлиги шаклланади. Энди, онаси, ака-ука, опа-синглиси ёки атрофдагиларнинг она тилидаги чала мулоқоти, яъни аралаш тилда сўзлашуви унда қандай лугат манбаини ҳосил қилади? Ҳозир XXI аср, хорижий тилларни ўрганиш урф бўлган, буни фарзандларимизга ҳам синдиришимиз лозим, дейишин-

гиз мумкин. Марҳамат, фақат аввал она тили эгаллаши керак бўлган бўшлиқни тўлдиринг, кейин истаган хорижий тилни ўргатишингиз, у тилда сўзлашингиз ўринли.

Тил – миллатнинг қалби, руҳи, кўнгли. Чунки унда миллатнинг урф-одати, одоб-ахлоқ қоидалари, умуман, маданияти, руҳияти намоён. Тилга эътиборсизлик, уни менсимаслик – миллат кўнглини менсимаслик дегани. Агар унинг қоидадаси тартибларини бузсак, ҳамма нарсамизга путур етади. Ҳазрат Навоийнинг шундай бир мисраси бор: «Ғунчадек бўл қон ютиб қулмакка монанд, эй кўнгли...» Яъни, қонга тўлган бағир билан қулиб тура олишининг номи ирода, сабот. Аммо иродали, саботли бўлиш ҳаргиз хусн ёки фазл эмас, бурчдир. Боиси, Яратганнинг ҳукми билан дилинг доғ бўлди. Забунлиқнинг ўзи сенга бесабаб келмас, экканларнинг меваси бу. Ишора борки, Аллоҳнинг жавобини очик чеҳра билан қутиб ол, балки унинг ҳиммати ила энгилроқ жазо олаётгандирсан. Агар уни шукрона билан қарши олмасанг, бундан баттарроғи келиши мумкин. Ваҳоланки, мана шундай чиرويلى амал, гўзал хулқ халқимиз менталитетига хосдир. Инчунун, бу каби мисолларни юзлаб, минглаб келтиришимиз мумкин.

Яқинда тахририятга ўқитувчи Бахтиёр Эгамқуловдан хат келди. Унда шундай ёзилган:

«Биз репетиторларнинг иш жараёнимиз қизиқ. Ҳар гал янги ўқувчилар келишади. Уларни бир қолига солиб олиш учун маълум вақт, тажриба керак бўлади. Бир кун янги ўқувчилардан бирдан сўрадим:

– Қизим, исмингиз нима?

– Лайло.

– Қани, уйга берилган вазифани айтинг-чи?

– Шермуҳаммад Минуснинг...

– Ҳай, ҳай, қизим "минус" эмас Минус...

– Ҳа, Шермуҳаммад Минуснинг ҳаёти ва ижоди ҳамда «Разводу сафо» таржима асарини...

– «Разводу сафо» эмас, «Равзат

ус-сафо»...

– Тўғри, Ш.Муниснинг ҳаёти ва ижоди ҳамда «Равзат ус-сафо» таржима асарини ўрганиб келийла девдингиз.

– Келийла эмас, келинглари! Қолаверса, девдингиз эмас, деган эдингиз. – Қиз беихтиёр тўхтаб, тин олди.

– Хўп, гапиринг-чи?

– Мунис 1778 йили Хива яқинидаги Қиёт қишлоғида тувилган.

– Тувилган эмас, туғилган. Хўп, давом этинг-чи!

– Муниснинг болалик, ёшлик йиллари мечит ёнидаги мактабда ўтган.

– Мечит эмас-да, ахир, масжид...

Лайлонинг кўзлари пирпираб кетди. Беихтиёр «Гапирсам майлими, домла?!» – деб юборди. Мен эса ҳайратдан қотиб қолдим.



Муаллифнинг лўқмаси ўринли. Биз минг шевада гапирган тақдиримизда ҳам, айниқса, адабиёт дарсида адабий тилда сўзлашимиз шарт. Чунки айнан адабиёт бизга ўзбек тилининг бутун жозибасини, сўзга нақадар бойлигини ҳам кўрсатади, ҳам ўргатади.

Реклама ёзлонлари ва пештахтадаги ёзувлардаги хатолар, адабий тил меъёрларининг бузилиши ҳақида-ку гапирмасак ҳам бўлади. Бу мавзу қайта-қайта тилга олиниб, газеталарда чоп этилди. Маълум маънода хатолар тартибга ҳам олинди. Бироқ, бунга бепарво қараётганлар ҳали-хануз учрайди. Бу бизнинг оғриқли нуқтамиздир.

«Кўча тили» деган атаманинг пайдо бўлганига анча бўлди. Илгари «кўча тили» деганда кўпроқ кўчада бемаъни сухбат қилаётган, тўғрироғи оғзидан «боди» кириб, «шоди» чиқаётган бешоб болалар, кишиларнинг гапини тушунарди. Аммо охириги пайтларда бу атамани айрим қўшиқларга, ҳатто қўштирноқ ичидаги айрим бадиий асарларга нисбатан айтилаётгани ачинарли. Орада «Сочи жингалак найнов, найнов»га ўхшаган реп йўналишидаги қўшиқлар ҳам ёшлар орасида оммалашганди. Шукрки, ҳеч қанча вақт ўтмай бунақаларнинг уни ўчди. Бироқ, кўча тили билан айтилаётган қўшиқлар ҳамон учраши, радиотўлқинларда, айрим телеканалларда янграётгани рост. Энг ачинарлиси, қўшиқнинг оммавийлик эҳтиёжи катта. Лекин бугун эшитаётган қўшиқларимизнинг ярмини эшитмасак ҳам, ҳеч нарса йўқотмаймиз. Аксинча, жилла қурса, шу ярим қўшиқлар дидимизни псайтирмай туради.

Оғриқли нуқта

Ёки ўзбек тилининг авра-астари чиқариб ташланган, фақат олди-қочдилару бир аёлнинг алданиб қолиш тарихи, ўғри ёки мафиянинг саргузаштларидан иборат матнларни олайлик. Уларда тил жозибаси умуман йўқ. Фожиалироқ тусда айтганда, агар уни ўқитган ўқувчи шу асарларнинг тилидан ўрнак олса, тил соҳасидаги ташвишларимизни тасаввур этиш қийинмас. Бунга ҳатто гувоҳ ҳам бўлялмиз. Бу она тилини муқаддас билган ҳар бир кишини ташвишга солиши шубҳасиз.

Қадимги хитой мутафаккири Конфуцийдан «Агар сизга ваколат бериб, нимани кечитириб бўлмайдиган устивор вазифа деб ҳисоблаган бўлардингиз», деб сўрашганда у «Тилни тартибга келтириш энг зарурий вазифадир» деб жавоб берган ва фикрини қуйидагича ифодалаган экан: «Агар нутқ воситалари тартибга келтирилмаган бўлса, нарсалар

ўртасидаги тартибда ҳам ўзаро уйғунлик йўқолиши мумкин. Ўзаро уйғунлик йўқ жойда вазифаларни самарали равишда амалга ошириб бўлмайди. Бу амалда бажариладиган ишларнинг кафолатидир. Қилинадиган саъй-ҳаракатларнинг амалга ошиши кафолатланмас экан, маданият ва мусиқа ҳам гуллаб-яшнамайди. Агар маданият ва мусиқа гуллаб-яшнамаса, ҳуқуқий тартиботга ҳам путур етади. Ҳуқуқий тартибот ишламай қолса, халқ

қўл ва оёғини қандай ишлатишни билмай қолади. Демак, тил айрилган ишни тўғри амалга ошириш учун керак. Шунинг учун ҳар қандай оқил инсон бу ишни муҳим деб билади». Кўп аср аввал айрилган бу пурмаъно сўзлар бугунги ҳаётнинг ҳам ҳақиқати эканига шубҳа йўқ. Шу боис тилимизни асраш – миллий ўзгичимизни асраш демакдир.

Феруза РАҲМОНҚУЛОВА

БОБОЛАР ДЕЛИЛКА...

Ҳифзи лисон деб ҳар бир миллат ўз она тил ва адабиётини сақлагани айтулур. Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётдир. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур.

Абдулла Авлоний

Ўзбек тили камбағал эмас, балки ўзбек тилини камбағал дегувишларнинг ўзи камбағал. Улар ўз нодонликларини ўзбек тилига тўнқамасинлар.

Абдулла Қодирий

Миллат тили шу миллатнинг жони, руҳий дунёси. У юракни ҳаракатга келтириб тураган қон томири кабирдир. Агар қон томири ёпилиб қолса, юрак уришдан тўхтаб қолмайдими?

Мухтор Авезов

Тарбия

“ҚАНИ, ТОЙ БОЛА, АМАКИНГНИ БИР СЎКИБ ҚҲЙ-ЧИ...”

ёхуд боланинг тилини ўзимиз балчиққа ботираётганимиз ҳақида

Дунёда энг ширин тил – бола тили. Боланинг чуғурлашидан маст бўлмаган одам топилмас керак. Чунки энг пок, бегубор, ёлгон ва риёлардан холи бўлган болақай ўз мантиғига, “фалсафа”сига сизни жалб қилмай иложи йўқ. Ишдан чарчаб келганингизда олдингизга югуриб чиқиб, салом берган набирангизни кўргач, қайтадан кучга тўласиз. Уни бағрингизга босиб, самоларни қучғанда бўласиз.

Ана энди дўпини четга қўйиб, ростини айтинг, барча оилаларда ҳам доим шундайми? Кичкинтойлар доим шўҳ ва қувноқми? Онасининг ёнида отасини соғинаётган, отасининг ёнида онасини кўмсаётган эркатойнинг мунгли кўзига тик боққанмисиз ҳеч?..

Унинг тилидан томаётган ўқинишни пайқаганмисиз? Унинг тилидаги бол қайга йўқолди? Бунга биз – катталар сабабчи эмасмиканми? Ёки эшигингиз ёнида бири-бири билан ёқа йиртишиб, бақириб-чақириб сўкишаётган болаларга кўзингиз тушганми? Уларнинг тилидаги дағаллик, қўполлик қачон пайдо бўлди? У сўкиш ва қарғашни кимдан ўрганди? Шундай ширин тил қачон тахир ва талх бўлиб қолди.

Шу саволларга жавоб бера олсаккина, бағримиздаги бола ва набирамиз билан самоларга уча оламиз, бўлмас – йўқ.

... Бир кўшим доим болаларига бирор иш топширса, аввал сўкиб олар, кейин мақсадни тушунтирарди. Унинг сўкишидан мен ўнғайсизланардим. “Кўшини, ахир, сўкмай ҳам тушунтирса бўлади-ку”, десам “Эркак одам сўкида-да, бўлмасам эркакми, у”, дея менинг оғзимга урмоқчи бўлар эди. Натижа биз кутгандан ҳам “аъло” чиқди. Ҳозир унинг қизлари ҳам сўкишни жойига қўяди. Бизни қувонтирадиган, ҳаяжонлантирадиган ширин тил бу оила-

ни тарк этганига анча бўлган. Ҳозир бу оилада сўкиш тинмайди, ҳар куни қиргинбарот.

Баъзи оилаларда кичик неварани тиззага олиб: “Қани эркатой, амакингни бир сўкиб қўй-чи”, қабилидаги “тарбия”лар киши кўнглини ғашлантирмай иложи йўқ.

Болангиз катта бўлмоқда. У энди рус, инглиз тилларини ўргана бошлади. Ҳали тилни мукамал ўрганиб улгурмай, ундаги айрим сўзларга бозор ва кўчалардан териб олинган кўшимчаларни боғлаб “замонавий” тил яратиб қўяди. “Братшакма, сен мени уважат қилгин, а то кўлогингдан форточка очиб қўяман”, каби сўзларни эшитганингизда устингиздан бир арава шағал ағдариб юборгандек туюлади. Отасини “пахан”, онасини “мамашка” деса ҳам парвойи паллак ота-оналар фарзандининг ширин тили мазасини тотиш бахтидан маҳрумдирлар. “Узингдан чиққан балого қайга борасан давога”, деган нақл бор. Демак, болаларимизнинг хулқида, тилида нимаики ноқислик бўлса, айбодори – ўзимиз.

Бир набирамни ухладан олдин “болақоним, тунинг хайрли бўлсин”, дея юзларидан ўлиб қўйишни одат қилган эдим. Энди у ҳам менга хайрли тун тиламасдан ухламайди. Боланинг тилидаги бол сизнинг тилингиздан таъм олади.

Асал кўп дардларга даво, дейишарди. Айниқса, юрак ва асаб касалликларининг

олдини олишда у жуда муҳим аҳамиятга эга. Ҳолбуки, асалдан ҳам тоттироқ, шифобахшроқ бола тилидаги бол ўзингизда. Унга эга бўлиш учун пул сарфламайсиз, дўконга бормайсиз, дорихонадан изламайсиз.

Бола тилидаги бол сизнинг тилингизнинг учуда, бунини унутманг.

Уйингизга меҳмонлар келса, болалар хурсанд бўлиб кетишарди. Ҳатто меҳмонлар қайтмоқчи бўлганда улар хафа бўлишарди, уларга эргашишарди. Демак, болалардаги қувноқлик, шўхликнинг замани оиланинг кенг маънода жам бўлишида экан.

Уйда ёлғиз, ҳеч кимга қўшилмайдиган боланинг тили умуман ривожланмайди. Борди-ю, оила ажралган оилалардан бўлса, бу боланинг юрагини атрофдагиларга нисбатан норизолик, нафрат тўлдирар бошлайди. Унинг тилидаги бол ўрнини болари эгаллайди. Энди у ҳаммани тили билан “қақиш”га уринади. Болаларимиз билан бирга меҳмонга борсақ, аммалар, тоғалар, холалар ва амакилар дуоларини олсак, жужуқларимизнинг бағри бутун, бахти бутун, қувончи бутун бўлади. Уларга қавм-қариндошлардаги энг яқин анъаналар ҳақида гапириб берсак, оиламиз шажараси билан таништирсак, фарзандлар маънан етук, комил фарзандларга айланишарди.

Ҳамдам ТҲЙЧИЕВ,
ўқитувчи



САБОҚ

Салимжон биринчи синфда ўқийди. Ҳар куни уни дадаси мактабга элтиб қўяди. Салимжон машинадан тушгач, дадаси билан ачомлашиб хайрлашади. Дада-си унга ақлли бола бўлишини, аъло баҳолар олишини тайинлаб, кечкурун уйда кўришамиз, дея ишонасига жўнаб кетади. Салимжон дадасини жудаям яхши кўради.

Бир гал светофорнинг қизил чироғи ёниб, чорраҳада туришганида дадасининг ўртоғи Анвар амакиннинг машинаси уларнинг ёнгинасига келиб тўхтади. Дада-си машинада ўтирган ўртоғи ва унинг ёнида ўтирган бобо билан куюқ саломлашди.

– Йўл бўлсин, Анвар? – сўради дадаси.

– Бобойни дўхтирга кўрсатай, деб олиб чикувдим.

Шу пайт светофорнинг яшил чироғи ёниб, машиналар ҳаракатга тушишди. Салимжон эса бир оз ҳайрон бўлиб дадасидан сўради:

– Дада, Анвар амакиннинг машинасига ўтирган бобо ким?

– Дадаси, болам.

– Анвар амаки ҳам дадасини худди мен сизни яхши кўргандек яхши кўрадимми? Дадаси билан ачом-ачом қилганими, иккаласи бирга ўйнаганими?

– Албатта-да, болам, дадаси-ку ахир.

– Нега унда дадажонини дада демай, бобой дейди?

– ...
Феруза

Надоматли мактублар

си атайлаб уйқумни бузиб, болани овутмайсан! Сен ҳам аёлмисан?”, дея уни бўғибди. Шу пайт боласи чириллаб йиғлаб қолибди. Шундагина ўғлим уни қўйиб юборибди.

Бундай хўрликлар жонидан ўтган аёл эри ухлаши ҳамоноқ боласини қучганича онасиникига кетибди. Эрталаб ўғлим хотини қочиб кетганини билиб қолибди. Унга дарҳол келини олиб келишни буюрдим.

Ўғлим қудамникига бориб, айёрлик қилиб, уларга яхши гапирибди.

“Эр-хотининг уриши – доқа рўмол қуриши”, дейдилар болам. Эҳтимол, эринга инсоф битар. Уйингга борақол. Неварагинамнинг отасини воёга етишини хоҳламайман”, дебди қудам.

Дилсўз яна уйга қайди. Иккаловини ёлғиз қолдириб синглимникига кетдим. Индинига ўғлим мени шифохонага олиб борди. Келинимнинг аҳволи аянчли эди. Чунки унинг ҳамма ёғи куйган, аянчли бир аҳволда ётарди.

“Аяжон, мен ўлмайман-а. Қийналиб кетдим. Бир кун олдин синфдошимнинг тўйига боргандим. Уйга қайтсам, эрим: “Нимага тўйга борасан? Нимага ўйнайсан?”, дея уриб-калтақлади. Кейин менга: “Ўлсанг ҳам сенинг хунингни ким сўрайди, ҳеч ким сўрамайди?”, дея эрталабча урди.

Уйга исирик тутатгани киргандан, ортимдан ўлгингиз тиришайиб кириб келди. Қўлимдаги исирик ва гугуртни қуриб “Сен ўзингни ёқолмайсан. Аслида, сен ўлишини керак!”, дея камсита бошлади. Унинг гаплари жонимдан ўтиб кетди. Ошхонада турган соляркини устимдан қўйдим-да, гугуртни чақдим. Кейин нима бўлганини билмайман”, деди Дилсўз.

“Аяжон, айтинг, мен ўлмайман-а! Яшашни истайман, аяжон...” деди-ю, кўзини юмди. Афсуски, Дилсўзнинг кўзлари қайта очилмади.

Суд мени ва ўғлимни Дилсўзга мунтазам равишда шафқатсиз муомалада бўлиб, унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил камситиб келиб, уни ўзини ўзи ўлдириб даражасига етказганимиз учун озолиқдан маҳрум қилди...”

Гоҳида ота-оналар қувенинг қандайлигини била туриб ҳам, қизларини у билан яшашга мажбур қилишарди. Аёлини шунчалар камситган, хўрлаган йигитдан қандай раҳм-шафқат қутиш мумкин? Эҳтимол, ота-она қизларини вақтлроқ ажратиб олганларида бундай мудҳиш фожера рўй бермасмиди, а, Гулзодажон?..
Хонбиби Ҳиммат қизи ёзиб олди.



КЕЛИНИНГ ҲАЁТИГА ЎТ ҚҲЙГАН ҚАЙНОНА

Салом, Гулзодажон!
Менинг қадрдон дугонам.
Омонмисиз! Хатларим билан

ҳаловатингизни бузмаяпманми? Ахир ёзаётганларимнинг барчаси кўнглини хира қиладиган воқеаларда, зеро камоқхонада ёруғлик нима қилсин? Шундай бўлса-да чидам билан хатларимни ўқиб-танганингиз, жавоб ёзиб кўнглимни кўтараётганингиз учун сиздан беҳад миннатдорман. Сизга жоҳил бир қайнонанинг қилмишлари ҳақида ёзмоқчиман.

...Ўғлим мен айтган қизга уйланмасдан Дилсўзини ёқтириб турмуш қурди. Фарзандли бўлишди. Мен бўлсам, қилдан қийиқ ахтариб, ўғлимга хотинини ёмонлайдиган, уни камситадиган бўлдим. Болам менинг гапларимга ишониб хотинини ҳақоратлайдиган, уриб-калтақлаб, хўрлайдиган одат чиқарди. Дилсўз уйдаги жанжални сираям кўчага чиқармайдиган, оғир-босиқ ва сабрли эди.

Бир куни йўқ жойдан жанжал чиқариб, ўғлимга хотини мени менсимаслигини, хурмат қилмаслигини айтдим. У бўлса, Дилсўзини хўрлаб тепкилади. Бунга чдайд олмаган Дилсўз икки ойлик қақалогини кўтариб онасиникига кетиб қолди. Уйдаги юмушларнинг барчаси ўзимга қолди. Тайёр дастуримдан айрилганимни тушундим. Ўғлимни турмуш ўртоғини олиб келгани жўнатдим. Болам қайнонасининг олдида кетмайман, деган Дилсўзини сўкиб, тўғри келган жойига уриб, судрай бошлабди.

“Онагиз уйда ҳеч бир сабабсиз челақлаб совуқ сувни устимдан қўяди, уради, ҳақоратлайди. Камига сиз ҳам онагизнинг гапларига кириб мени хўрлайсиз. Шунинг учун онаминикига келдим”, дея йиғлабди келиним.

Ўғлим бўлса Дилсўзнинг қўлидан боласини тортди олиб: “Дарҳол олдимга туш, уйга юр. Агар бормасанг, болани сувга ташлайман!”, дея жаҳл

билан ҳовлидан чиқиб кетибди. Келиним йиғлаганича қолаверибди. Кечкурун қудаларим қувёига инсоф тилаб бизникига келишди.

“Ҳаммангни онангни... Сенларни бу ерга ким қақирди? Меникида пишириб қўйибдимми? Йўқолларинг! Иккинчи қораларингни ҳам кўрмай!”, дея ўғлим уларни ҳақоратлаб уйдан чиқариб юборди.

Эртаси куни қудам маҳалла оқсоқолини, хотин-қизлар маслаҳатчисини олиб бизникига келишди. Эр-хотинни яраштирамоқчи бўлишди.

“Ўларингиз инсоф билан айтингизлар! Эрим доим мени ҳеч бир сабабсиз уради, камситади, хўрлайди, юзимга туфлайди. Бунга ҳам қониқмасдан идиш-товоқларни отади! Кечалари ухламасдан мени бўғиб, тик туришга мажбурлайди. Бундай хўрликларга қачонгача чидашим мумкин”, дея келиним йиғлади.

“Ҳамманг кўзимдан йўқол!”, дея ўғлим уларнинг барчасини уйдан қувиб солди. Мен бўлсам, ўғлимни инсофга қақириб ўрнига уни гиж-гижладим. Хотин топилишини, аммо она топилмаслигини таъкидлавердим.

Бир куни хотини уйга қайтавермаганидан даргазаб бўлган ўғлим қайнонасиникига борибди. Қайнонасини сўкиб, уни ва қизини дўппослабди.

Қудам қувёнининг устидан ИИБ ходимларига арз қилибди. Бу иш судда қўриб-чиқилиб, суд раиси уларни яраштираб қўйди.

Уларнинг ҳаёти бироз изга тушгандек эди. Аммо энди мен хотинини ва боласини оқ қўядиган, нон ва овқат бермай қийнайдиган бўлдим. Дилсўзнинг боласи шамоллаб қолиб, кечаси билан йиғлаб чиқди. Хотининг битта болани ҳам эллай олмайди, дея яна ўғлимни гиж-гижладим. Ўғлим хотинини ўласи қилиб урди.
“Сен болага қарашни ҳам билмайсан? Ярим кеча-

БУХОРОҶИ КЎРМАГАН ОНАМ

Онам – бебаҳо давлатим

Онам оғир дардга чалинди. Шифокорларнинг айтишича, полиартритнинг ҳозирча давоси топилмаган тури экан. Ўн икки йил шу касаллик билан курашиб яшади. Қанчадан-қанча табибу шифокорларга кўринмади, дейсиз. Ҳар бир даволанишдан сўнг аҳволи биров яхшилангандай бўларди-ю, яна оғирлашарди. Умининг сўнгги олти йилини ногирон ҳолда, ўзгалар кўмагига муҳтож, тўшакка миҳланиб ўтказди. Ҳали роҳат-фароғат кўрмасдан 48 ёшида оламдан ўтди, онажоним.



Вафотидан сўнг ёстиги остидан бир дафтар топиб олдим. Уни варақлар эканман, кўзларимда ёш қалқиди: "Осмонда турли булутлар бор. Ойда эса қора доғлар. Юрагимдаги ушалмагон орзуларим армон бўлиб қоляпти... Ҳаёт бир уммон экан. Мен унинг қаърига фарқ бўлаётган кемага ўхшайман. Касаллигим туфайли тўймаъракаларга боролмай қолдим. Туну кун шифтга тикилиб ётаман. Кечалари йиғлаб чиқсам, кундузи болаларимга қараб шодланаман. Ёлғиз кезларимда кўзларим деразада..."

Онамнинг ёзганларини ўқиб болалигим ёдимга тушди: ўшанда ўн ёшда эдим. Дардга чалиниб, жарроҳлик столга ётишимга тўғри келди. Операция учун берилган нархоз таъсирида 36 соатча ухлабман. Онам бечора ўзимга келмагунимча ёнимдан жилмабди, бир лаҳза ҳам ухламаган. Шифохонада даволанарканман, туну-кун бошимда парвона бўлди. Балки шунинг учун ҳам тезда тузалиб кетгандирман.

Мен-чи? Фарзанд бўлиб нима қилдим? Онам бетоб ётса-да, дунё ташвишлари билан банд бўлибман. Пул топиш, рўзгор те-

братиш мақсадида вақтни кўчада ўтказиб, уйга қайганимда: "Онажон, аҳволингиз яхшими, зерикмаяпсизми?", деб кўнглини кўтариш учунгина айттардим. Бироқ, кун бўйи онамнинг ёлғизликдан азоб чекканлиги ҳақида ўйламабман. "Болаларим, бемалол ишларингга бораверинглар. Мен яхшиман", деб ишга кузатарди бизни. Ишонамда бўлган вақтимда кўнгирак қилиб, ҳолимдан хабар олар, "Болам, ишингга ҳалал бермаяпманми?", деб сўраб кўярди. Мен эса ишим кўллиги, телефонда суҳбатлашишга вақтим йўқлиги баҳонасида гапни кесишга ҳаракат қилардим. Аммо энди ҳолимни сўрайдиган онам йўқ...

Волидамнинг орзулари кўп эди. Юртимизнинг катта шаҳарларини, тарихий қадамжоларини кўришни истарди. Тўғри, бир-икки марта Самарқандга борган. Фақат шифохонага. Машинада шаҳар оралаб борарканмиз, Самарқанднинг қадимий минораларига кўзи тушарди.

— Онажон, тузалиб кетсангиз, сизни Регистон майдонига, Улугбек Расадхонасига олиб бораман. Бибиҳоним макбарасини ҳам томоша қиламан,

— дердим. Волидам эса:

— Уларни узоқдан бўлса ҳам кўрдим. Бухорога олиб борсанг, яхши бўларди. Бу болалигимдаги орзуим.

— Олиб бораман. Албатта, олиб бораман, онажон...

Бироқ, сўзимни устидан чиқа олмадим. Баъзан моддий қийинчиликлар туфайли, баъзан эса ишим кўплиги сабаб бўларди. Ҳали ёшман, онам ҳам ҳали кўп яшайди. Нафақат Бухорога, балки юртимизнинг барча шаҳарлари тарихий қадамжоларига олиб бораман, деб ўйлабман.

Қизим дунёга келганида онам жуда қувонганди. Уни "онам" деб эрқаларди. Бешикка солиш маросимини ўтказиш учун тарадду қила бошлаганимизда: "Ўғлим, мени бозорга олиб бор. Нева-рамнинг катта момоларига ўзим сарпо талнайман. Шу баҳона бир айланиб келаман", деди. Онамни ногиронлар аравачасида кўчага олиб чиқдим. Бозорга боришдан аввал шаҳар айландик. Янги қурилган иморатлар, сўлим кўчаларни кўриб, "Ҳа, Оқтош анча ўзгариб кетибди. Келмасам, буларни ҳеч кўролмас эканман", деди. Ўшанда умрининг қисқалигини билган экан,

чоғи. Наҳот буни мен англамадим...
Шу хаёлларга берилиб яна дафтар варақлайман.

*Кунлар, ойлар, йиллар ўтади,
Афсус надоматда қолади юрак.
Умр ўткинчидир,
севинч ўткинчи,
Болаларим менга
қувонч беражак.*

*Далада изғирин уввас солади,
Уйда ўтираман*

*ногирон, беҳол.
Юрак ҳам меҳрга ташна қолади.
Фақат ҳамроҳимдир
ширин ўй-хаёл...*

Онамнинг дафтаридан бундай шеърлари кўп экан. Уларнинг баъзиларида тушқунлиқни ҳис этсам, баъзиларида келажак орзулари, яқинларига тилақлари акс этган. Айниқса, ҳар бир фарзандига атаб ёзганлари мени жуда таъсирлантирди. Ёлғиз қолганида кўпроқ биз ҳақимизда ўйлагани, болалари учун доимо қайургани шундоқ кўриниб турибди. Биз эса волидамиз тириклигига қадрига ета олдикми? Билмадим...

— Сени, укангни, синглингни тўйини кўрдим, невараларимни сўйдим. Лекин, болаларингни улгайганини кўриш насиб этармикан? — дерди онам гоҳ-гоҳида. Мен эса, онамга ҳали кўп яшашини, ҳали чевараларини ҳам суйиб, ёнимизда юришини айттардим. Туну кун онамнинг дардига Оллоҳдан шифо сўрасам-да, кўлимдан келгани ширин сўз, тасалли бериш бўларди, холос.

Волидамнинг бир сўзи қулғимдан кетмайди: "Ўғлим, дадангни сўзини икки қилма. Укандан хабар олиб тур. Синглингни ёлғизлатиб қўйма. Агар келинимни хафа қилсанг, мен ҳам сендан хафа бўламан. Аҳил бўлинглар..."

Халқимизда ота-онага доимо ҳурматда бўлиш, айниқса, онага кўпроқ яхшилик қилиш ҳақида бир қанча ривоятлар, нақллар бор. Зеро, она шундай улғу зотки, унинг учун қанча хизмат қилсан ҳам кам. Яхши кунларида хурсандчилигига шерик бўлиш, хафа бўлса кўнглини кўтариш, доимо ардоқлаш, кучдан қолганида кўмақдош бўлиш фарзандлик бурчимиздир. Волидамиз ўрнини ҳеч ким, ҳеч қачон боса олмас экан. Ота-онани борида қадрлаш керак экан!

Шербек ҚАҲҲОР

Сўранг, жавоб берамиз

МЕНИ ЁМОН КЎРАДИ...


Ука-сингилларим менга гап қайтарса, ёки бирор нимада талашиб тортишиб қолсақ, онам уларнинг олдида мени ҳақорат қилади, қарғайди. Кейин укаларим ҳам мени мазахлайди. Онам мени ёмон кўргани учунми неадир укаларим ҳам ҳурмат қилмайди...

Аброрбек, Бухоро вилояти

ЖАНЖАЛДАН ТЎЙИБ КЕТДИМ...

Оилада беш фарзандимиз. Отам ҳеч қаерда ишламайди. Онам отам билан жанжаллашиб аламини биздан олади. Уйдан безганман. Ўртоқларимнинг ота-онасига, оиласига ҳавас қиламан.

Моҳидди, Самарқанд вилояти



— Отанинг онага ёки онанинг отага муносабати ҳам шу вазият шарт-шароитларига мос тушиши керак. Чунки ота-онанинг ўзаро тотув ҳаёт кечирishi, иноқ ва барқарор, мустаҳкам оиланинг бош омилдир. Оилада ота-она бир-бирини тушунмаса, муттасил келишмовчиликлар, зиддиятлар рўй берса, бу — фарзандлар дунёқарши, жисмоний ва руҳий соғлигига жиддий шикаст етказиши. Ота-онасининг уриш-жанжалдан безган ўсмирнинг оила, эр-хотинлик ҳақидаги тасаввури қирланади. Ота-она фарзандига оила саодат маскани эканини ўз хатти-ҳаракатлари ва ҳаётий тажрибаларида кўрсата олишлари шарт.

У.ТУРСУНОВА тайёрлади

Баъзан енгилроқ дардни оёқда ўтказишга, ўзимиз билганча муолажа қилишга, халқ табобатининг синалган усулларидан фойдаланиб, даволанишга ҳаракат қиламиз. Тўғри, гоҳо тутган йўлимиз бесама кетмайди. Шифокор қабулидаги узундан-узоқ навбат, нархи осмон дорилардан кўра ота-боболаримиз қўллаб келган табиий воситалар ёрдамида даволаниш усули фойдалироқдек туюлади. Аммо барибир мутахассис кўмагисиз ўзбилармонлик билан даволаниш зарарли эканини унутмаслик лозим. Халқ табобати усулларини ҳам мутахассис насласатига амал қилган ҳолда қўллаш керак.

... Шоҳида опа шамоллаб қолса, бувиси дарров сириқч тутади, асал, турп сингари шифобахш неъматлардан фойдаланиб, уни тезгина оёққа тургизар эди. Шунданми болалигидан турли доривор ўсимликларни яхши ажратадиган, уларнинг хусусиятларини фарқлайдиган бўлиб ўсди. Мактабда тоби қочиб қолган дугоналарига бувисидан ўрганганларига таяниб маслаҳатлар берар эди. Табиат неъматларига бўлган меҳр уни Андижон давлат университетининг биология факультетига етаклади.

Шоҳида талабалик чоғларидаёқ тоғу тошларда, қир-адирларда ўсадиган гиёҳларни кузатди, улуғ аллома бобомиз Абу Али ибн Сино табобатини жиддий ўрганди. Изланишлар бесама кетмади. Мохир педагог, "Антик дунё" халқаро илмий академияси профессори Шоҳида Султонова ажойиб янгилик яратишга эришди. У "Flora Mix" шифобахш кўрпа ва ёстиқларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

– Ҳар қандай илмий изланишнинг асосида ҳаётий тажриба ётади, – дейди Шоҳида опа. – Болалигимда йиқилиб, оёғим шикастланган. Бувим тезда дарах танасига ёпишган кесакни эзгилаб, қонаётган оёғимга сепган эди – қон тўхтади. Ушанда бундан жуда ҳайратланган эдим. Эндилқда илмий изланишлар олиб бориб, тупроқдан инсон организм учун фойдали воситаларни топиб, дори тайёрлаш устида иш олиб бораётган.

Отанинг кутубхонасидаги тиббиётга оид китобларни ўқиб, ундаги тажрибаларни турли жонворларда синаб кўрганман, бу табииятни ўрганишга қизиқишимни янада орттирган. Кейинчалик ўсимликларнинг

танлаб оламан. Унга кетадиган мато эса 100 фоиз тоза ва табиий пахтадан тайёрланади. Онам моҳир чевар бўлгани учун бизга ўз хунарини ўргатган. Демак, маҳсулотни ўзим тикаман. Қарабсизки, барчаси қўл меҳнати. Мижозларни жалб этишга келадиган бўлсақ, аслида, бу халқимиз учун янгилик эмас. Қишлоқ жойларда ўсимликларнинг хусусиятини одамлар яхши билишади. Масалан, ялпиз турли хашаротлардан ҳимояланиш воситаси ҳисобланади. Кўрпа ва ёстиқларга ҳам уни айна шу

Оилавий хабар

Маҳсулотларимиз жигар, буйрак, бўғин касалликлари, бел чурраси, ревматизм, туз ва ўсмалар, ошқозон ичак касалликлари, сурункали бош оғриғи, қон айланадиган тизимини яхшилаш, сийдик йўли ва жинсий хасталиқларда ҳам тавсия этилади. Фойдаланиш муддати 6 ой.

Халқимизда табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб, деган гап бор. Бу муолажаларни ўзимда синаб кўрганман. Уйқусизлик қийнарди ва тонгда ланж бўлиб уйғонардим. Бу маҳсулотдан фойдалангач, ўзимни тетик ҳис эта бошладим. Ана шундан кейин яқинларимга тавсия қилишни

ШИФОБАХШ кўрпа ва ёстиқлар



хусусиятини ўргандим. Бир неча тадқиқотлар ўтказдим: шולי қипиғи, арча, ялпиз, қайрағочнинг турли касалликларга даво бўлишини, ундан фойдаланиш самарали натижа беришини кузатдим. Фойдали кўрпа ва ёстиқларни яратиш фикри шундан кейин туғилди. Бу маҳсулотлардан нафақат бемор одамлар, балки соғлом кишилар ҳам кундалик ҳаётда фойдаланиши мумкин.

Тайёрлаётган маҳсулотим таркибини тоғли ҳудудларда ўрганиб, ўсимликларнинг энг сифатлиларини

мақсадда жойлаштирамиз. Биз тайёрлаётган шифобахш кўрпа-тўшаклар даволаниш учун вақт талаб қилмайди.

– Кўрпа-ёстиқлар айнан қайси касалликлар учун даво?

– Ўсимликларнинг хусусиятига қараб ҳар бир кўрпача ва ёстиқларимизни

бошладим. Танишларимда ҳам ўзгаришларни кузатиб боргач, ишлаб чиқаришга киришдим.

– Ҳар қандай маҳсулотнинг ижобий ва салбий томони бўлади. Табиий кўрпа ва ёстиқнинг қандай зарари бор?

– Маҳсулотимиз асосан, табиий қуртилган ўсимликлардан иборат бўлгани учун аллергияси бор инсонларга тавсия этилмайди. Чунки, таркибидаги гиёҳлар доривор бўлиш билан бирга аллергия хусусиятга ҳам эга. Шу билан бирга шולי қипиғи ёстиқ ва кўрпачанинг асосий қисми ҳисобланади. Унинг муҳим хусусиятидан яна бири инсон организмда яшрин ҳолатда бўлган касалликлар, масалан, ички иситма, суяк билан боғлиқ хасталиқларни 2-3 кун давомида кўзгатади. Бир-икки ҳафта ўтгач бемор яхши томонга ўзгаради.

... "Ҳамкор туризм сервис" МЧЖ раҳбари ва Ўзбекистон Республикаси Нодавлат таълим муассасалари ҳамда ўқув ишлаб чиқариш марказлари уюшмаси ташкиллаштириш гуруҳи раҳбари Шоҳида опа "Flora Mix" шифобахш кўрпа ва ёстиқларини яратиш тиббиёт ва табобат соҳасига яна бир янгилик киритди.

Камола АДАШБОВЕВА

Тўртта гурунг

бешинчи ўғлини тилга олмади. Бу Шавкат савдогарга оғир ботди.

– Ашир бова, нима, биз отамизга ўгаймизми, бизга нимадир ўтгандир-ов...

– Ҳай, аттанг, шуни айтмайин девдим, қўймадиларинг, на илож, айтмасам, бир кун бошқа бировдан эшитасизлар. Ҳар тўқисда бир айб бўлади, отангизнинг ҳам озгина қусури бор эди. Қизилга, яъни хушрўй аёлларга ўчроқмиди дейман-да. Сиз билмайсиз, узоқ йили бир татар жувонга илақишиб, элга эрмак бўлганди, падарингизнинг шу қусури сизда йўқми, ўғлим?!

Шавкат қазариб ерга қаради. Ўртага ноқулай жимлик чўқди.

Во ажабо, наҳотки орадан шунча йил ўтиб, отанинг хатосини ўғли такрорлаган бўлса? Шавкат савдогарнинг шаҳарлик бир сатангнинг тузоғидан кутулганига ҳали бир ярим ой ҳам бўлмаган эди....

– Отамизнинг энг зўр мероси кенжасида қолган экан-да, – деди Қувват фермер укасига қараб.

Даврадагилар қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборишди.

Ўролбой ҚОБИЛ


“ЭНГ ЗҮР” МЕРОС

Узангидош ошнаси Облақул чавандознинг қазо қилганига кўп йиллар бўлган бўлса-да, унинг ўғиллари Ашир бобо билан борди-келдини узгани йўқ. Мана, яқинда жўрасининг тўнғичи Қувват фермерниқига борган эди. Ака-укалар қариянинг иззат-ўрматыни жойига қўйиб, навбати билан меҳмон қилди. Ниҳоят Ашир бобонинг сафари қариди. Меҳмонлардан иззот сўрай деб турганида Тўлаш шофёр гап қотди:

– Бова, биз беш ака-укада отамизга ўхшайдиган бирор одатми, фазилатми борлигини сездингизми? Ашир бобо савлат тўкиб ўтирган йигитларга бир кур назар ташлаб деди:

– Раҳматли Облақул жўрамнинг қанча қилиғи бўлса, сизларда бариси бор. Ошнамнинг сандигидан пули, қўрасидан моли аримаган. Хўш, бу қайсиларинга ўтган? Албатта Қувватга, шундайми? Ўтирганлар бош иргашди.

– Оталаринг мудом от-уловини шайлаб, сошлаб юргич эди, бу одати сизга ўтган-ов, Тўлашбоб? – Шундай, – дейишди ака-укалар бир овоздан.



– У зўр чавандоз, отбоз эди, буниси ҳойнаҳой Шодиёрбойда. Кейин қўли гул уста, синиқ-мертиқни даволоччи табиб эди, бу касбини Саъдулла давом эттирляпти.

Бобо тин олди. Мўйсафид негадир ошнасининг

Oilavajamiyat
Ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газета

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.
Қабулхона: (факс) 233-28-20,
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
E-mail: oilavajamiyat@mail.ru
Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1236. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 3642. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00
Навбатчи муҳаррир: У. Адизова
Навбатчи: И. Сиддиқов
Мусоахҳиҳ: С. Сайдалимов
Саҳифаловчи: А. Малikov
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

